

## Қ а р о р

(маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида)

2026 йил 24 февраль куни, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси И.Шариповнинг раислигида, О.Шариповнинг котиблигида, тарафлардан Хонқа туман ИИБ профилактика инспектори Т.Хакимов ва фуқаро О.Матмуротовнинг иштирокида, Матмуротов Отабек Эшмуратовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги Хонқа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Матмуротов Отабек Эшмуратович (Matmurotov Otabek Eshmuratovich),** 1978 йил 14 февраль куни Хонқа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, 2-гурух ногирони, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2022 йил 14 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг 2023 йил 27 март кунги ажримига асосан, ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосини 2 йил 7 ой 23 куни иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судининг 2024 йил 1 ноябрь кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган 1 йил 1 ой 27 кундан шартли равишда озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланмаган, Хонқа тумани, Хоразм кўчаси, 2-йўлак, 7-уйда яшайди.

Суд, тарафларнинг фикрларини эшитиб, маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги материалларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни



## а н и қ л а д и:

Хонқа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасида, Матмуротов Отабек Эшмуратович жиноят содир қилишга мойил шахс ҳисобланиши, жамиятга зид турмуш тарзи кечириб келаётганлиги, жазо муддатини ўтаб чиққан бўлишига қарамасдан тузалиш йўлига кирмаганлиги, келгусида қайта жиноят содир қилинишини олдини олиш мақсадида унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Суд, Матмуротов Отабек Эшмуратовичнинг кўрсатувини эшитиб, Хонқа туман ИИБ профилактика инспектори Т.Ҳакимовнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 532-сонли қонуннинг 8-моддасида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан - судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳукукбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида маъмурий назорат ўрнатишга асос бўлиши белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, О.Матмуротов жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2022 йил 14 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг 2023 йил 27 март кунги ажримига асосан, ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосини 2 йил 7 ой 23 куни иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Хонқа туман судининг 2024 йил 1 ноябрь кунги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталмай қолган 1 йил 1 ой 27 кундан шартли равишда озод қилинган.

О.Матмуротовни содир қилган жинояти Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасига асосан оғир жиноятлар туркумига киради ва унинг судланганлик ҳолати тугалланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисидаги қонунининг 6-моддасига асосан оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган” шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин.

О.Матмуротов жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин икки марта яъни 20.07.2025 йилда МЖТКнинг 187-моддаси 1-қисми, 04.09.2025 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси, 16.09.2025 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси, 17.09.2025 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 194-моддаси 1-қисми ҳамда 17.09.2025 йилда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилган.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, “Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” деб қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 532-сонли қонуннинг 2-моддасида; “Маъмурий назоратнинг асосий вазифаси жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборат” деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан суд, О.Матмуротовнинг ижобий ижтимоий йўлга кириб олишини шакллантириш, жамият учун зарарли кун кечиринини тўхтатиш, у томонидан қайта ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги № 532-сонли қонуннинг 2-боб 8-моддасига амал қилиб, суд

### **қ а р о р қ и л д и:**

Хонқа туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

**Матмуротов Отабек Эшмуратович (Matyaqubov Alisher Saparbayevich)**га нисбатан қуйидаги чеклашларни қўллаш орқали 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин.

- Сутканинг соат 22:00 дан 06:00 гача яшаш уйидан чиқиш;
- Хонқа туман ички ишлар бўлимининг рухсатисиз Хоразм вилоят ҳудудидан чиқиб кетиш;
- Рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартаба, яъни ҳар ойнинг 25 санасида Хонқа туман ИИБга келиб учрашиш.

Маъмурий назоратни амалга ошириш Хонқа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Суднинг қарорини, назорат остидаги шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органига кейинчалик назорат остидаги шахсга тилхат олиб топшириш мажбурияти юклатилсин.

Суднинг қарорини назорат остидаги шахсга топшириш чоғида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ва зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик, шу жумладан маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этганлик учун жавобгарлиги тушунтирилсин.

Қарордан норози томонлар (устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахс қарор нухасини олган кундан бошлаб) ўн кунлик муддатда Хоразм вилоят судига шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья**

**И.Шарипов**

